



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 11 август, № 157 (6340) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонуничилик палатаси томонидан 2015 йил 29 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 632-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **21-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Агар шахс чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши мумкин»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-И-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда) **14-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин»;

**учинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-И-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда) **6-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига такдимномалар киритади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги такдимномаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**тўртинчи** — **еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** — **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **43-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д» озодлиқни чеклаш»;

2) **44-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** «қамқоқ» деган сўздан кейин «озодлиқни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИРОФ

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт, маданий-гуманитар ва жамоатчилик доиралари вакиллари яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз халқи ва раҳбариятига ўзларининг самимий қутловларини йўллашмоқда.

Германиядаги «KNAUF» компаниясининг директори Манфред Грундке юртимиз аҳлини ушбу муборак сана билан табриклар экан, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди:

Манфред Грундке:

## «Ўзбекистон тарихан қисқа даврда барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди»

— Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган куннинг 24 йиллик байрамидан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Мамлакатингиз тарихан қисқа даврда барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди.

Шу ўринда алоҳида фахр билан айтишни истар эдимки, мана кўп йиллардан буюн бошқа немиш компаниялари қаторида «KNAUF» ҳам Ўзбекистонда муваффақият билан фаолият юритаётди. Биз ўзаро ҳамкорлигимиз натижаларидан жуда мамнунмиз.

Ўзбекистондаги фаолиятимиздан олти йилдан беш йилгача, республика катта иқтисодий салоҳиятга эгадир. Шу жумладан, сармоявий соҳада ҳам.

Ҳозирги пайтда компаниямизнинг Ўзбекистон бозоридagi ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш юзасидан ўзбек ҳамкорларимиз билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Ишончим комилки, бугунги кунда амал қилаётган ва кел

ажакда ҳаётга татбиқ этиладиган қўшма лойиҳаларимиз ҳам узок муддатли ва ўзаро манфаатли бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, «KNAUF» жорий йилнинг февралда таъсис этилган Германия — Ўзбекистон ишбилармонлик кенгашининг аъзоларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш учун кўмаклашишга ҳизмат қиладиган мазкур кенгаш ўз вақтида тузилди, деб ҳисоблайман. Умид қиламанки, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши фаолияти доирасида ҳамда ўзбек шерикларимиз билан икки томонлама музокаралар воситасида Ўзбекистонда немиш бизнеси иштирокини кенгайтириш учун муҳим бўлган барча масалаларни ҳал этамиз.

Шуни ҳам қувонарлики, Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги даражасини юксалтириш ва барқарор ривожланишни таъминлашга йўналтирилган

кенг камровли демократик ўзгаришлар рўй берапти. 2015 йил Ўзбекистонда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинган мамлакат раҳбариятининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо этиш тамойилларига содиқ эканлигини далолатдир. Билим ва тажрибали авлодлардан-авлодларга ўтишига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу, дарҳақиқат, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун жуда зарур бўлгани баробарида, келажакда қўлга киритилажак муваффақиятларнинг гарови ҳам ҳисобланади.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, «KNAUF» компанияси жамоасининг барча аъзолари ҳамда ўз номидан Ўзбекистон халқини Мустақиллигининг 24 йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонда тинчлик, фаровонлик ва гуллаб-яшнаш барқарор бўлишини тилайман.

«Жаҳон» АА.  
Берлин

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Мамлакатимиз бўйлаб «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида навбатдаги саломатлик ҳафталиги бошланди.



Юртимизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш мақсадида тиббий кўрикларни ташкил этиш, жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий маданият даражасини янада юксалтиришда эзгу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида бошланган навбатдаги саломатлик ҳафталиги ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Эътиборлиси, бу галги ижтимоий

акция энг улуғ ва энг энг азиз байрам — Истиклолимизнинг 24 йиллик шодиданлари арафасида бўлиб ўта-япти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ҳафталик давомида иқтисодиётнинг барча соҳалари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг 300 нафардан зиёд фан докторлари, профессорлари, доцентлари ҳамда малакали шифокорлар вилоятларда бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишаётир.

■ **ФАМХҲҮРЛИК**

(Давоми 3-бетда).

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ота-оналар ҳамда ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябрга қадар фаолият кўрсатадиган 1876 мактаб ярмаркаси ташкил этилди.



Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билимни, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлоднинг тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Президентимиз раҳнамолигида ўтган йиллар мобайнида республикамизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилган, капитал реконструкция қилиниб, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлангани ана шу эзгу мақсадга ҳиз-

мат қилаётди. Энг муҳими, тизимдаги янгиланишлар ўқитиш сифатини яхшилашга, иқтидорли ўғил-қизларни кашф этишга қўмақ бермоқда.

### ■ КЎРГАЗМА

Анъанага мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, ўқув ва спорт кийимлари, пойабзаллар кўرғазмаси ташкил қилиниши ҳам

фарзандларимизга бўлган беқиёс ғамхўрлик ифодасидир.

Таъкидлаш керакки, жорий ўқув йили арафасида ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида 10 августдан эътиборан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги савдо мажмуалари, бозорлар, таълим муассасалари қошида жами 1876 та мактаб ярмаркаси иш бошлади.

(Давоми 4-бетда).

## Хабарлар

Бугунги кунда қурилиш жараёнида пластик панеллардан кенг фойдаланилмоқда. Эътиборлиси, бундай маҳсулотлар илгари валюта эвазига хориждан келтирилган бўлса, эндиликда улар маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилапти.

### Бир йўла икки лойиҳа

Хусусан, Юқори Чирчиқ туманидаги «Бест-пласт» масъулияти чекланган жамиятида мазкур йўналишда иккита лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. На-тижада йилга 375 миң квадрат метрдан зиёд нақшинкор ва гулқоғозли шифт ҳамда деворбоп пар-

дозлаш ашёлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Энг муҳими, 30 кишилик жамоанинг изланишлари туфайли тайёр маҳсулотда маҳаллий хом ашё улуши 47 фоизгача ошди.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Фаолияти янада кенгайди

Узун туманидаги «Версал Бухоро текстиль» масъулияти чекланган жамиятининг филиали энг сўнгги русумдаги тикув-бичув дастгоҳлари билан таъминланди. Пировардида бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди.

30 кишилик жамоамиз томонидан мактаб ўқувчиларига шартнома асосида бежирим либослар тикилмоқда, — дейди корхона раҳбари Р. Аҳмедов. — Олинаётган даромад ҳисобига эса фаолиятимизни кенгайтириш чораларини кўраямиз. Келгусида ишчиларимиз сони яна 35 нафарга кўпаяди.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Кўшимча иш ўринлари яратилади

Марғилон шаҳридаги «Ҳамдамов Тоҳир Баҳодирович» хусусий корхонасида ҳозирги кунда 100 турдан ортиқ пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъекти томонидан истеъмолчиларга 20 миң жуфт ана шундай маҳсулот етказиб берилди.

Бундан икки йил аввал банкдан 200 миллион сўм кредит олиб, мазкур лойиҳани амалга оширгандик, — дейди корхона раҳбари Б. Ахунжонов. — Хориждан келтирилган замонавий технологиялар нафақат иш унуми, балки маҳсулотларимиз сифатини ҳам яхшилаш имконини бермоқда. Айни пайтда корхонамиз филиалини ишга тушириш арафасида. Мазкур лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан 70 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Набижон СОБИРОВ.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг олти ойида мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналарида умумий қиймати

43,3

миллион АҚШ долларидек маънан ва жисмонан эскирган ускуналар алмаштирилди.

Бундай чора-тадбирлар хўжалик юритувчи субъектларда технологик жараёнлар ва хом ашё ҳамда материаллар сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилиш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⟨(Давоми. Бошланиши 1-бетда). ⟩

**иккинчи жумласидаги** «ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд» деган сўзлар «хизмат бўйича чеклаш, озодлики чеклаш ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-модданинг тўртинчи қисми** «шу муддатга» деган сўзлардан кейин «озодлики чеклаш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **48<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«48<sup>1</sup>-модда. Озодлики чеклаш**

Озодлики чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодлики чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинладати ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодлики чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишининг ҳусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашининг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;
оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
муайян фаолият билан шугулланмаслик;
муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
транспорт воситасини бошқармаслик;
маҳкумлари назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий худуддан ташқарига чиқмаслик;
муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.
Суд озодлики чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятла-рини, шунингдек унинг тузалишга қўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодлики чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қisman бекор қилиш мумкин.

Маҳкум озодлики чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдир-да, суд озодлики чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодлики чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаро-лари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди»;

5) **50-модданинг олтинчи қисмидаги** «тўртдан уч» деган сўзлар «учдан икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **61-модда:**
**биринчи қисмининг «а» банди** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирил-син;

**иккинчи қисми** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **62-модда биринчи қисмининг «а» банди** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **63-модданинг матни** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **73-модданинг биринчи қисми** «хизмат бўйича чеклаш» деган сўзлардан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **74-модданинг:**
**биринчи қисми** «Озодликдан маҳрум этилган» деган сўзлардан кейин «озодлиги чекланган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодлики чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлики чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатга тайинланади»;

11) **78-модданинг «Г» банди** «қамоқ» деган сўздан кейин «ёки озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **81-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **«в<sup>1</sup>» банд** билан тўлдирилсин:

«в<sup>1</sup>) озодлики чеклаш»;
13) қуйидаги мазмундаги **84<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«84<sup>1</sup>-модда. Озодлики чеклаш**

Озодлики чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади»;

14) **89-модданинг биринчи қисми** «озодликдан маҳрум қилишга» деган сўзлардан кейин «озодлики чеклашга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **90-модданинг:**

**биринчи қисми** «озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодлики чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлики чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатга тайинланади»;

16) **98-модданинг, 156-модда иккинчи қисмининг, 176-модда биринчи қисмининг, 207-модда учинчи қисмининг, 230, 231-моддалар биринчи қисмларининг, 257, 258, 259 ва 262-моддалар иккинчи қисмларининг санкцияларидаги** «беш йилгача» деган сўзлар «икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **99, 120-моддаларининг, 130<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг, 139-модда учинчи қисмининг, 163, 251<sup>1</sup>-моддалар биринчи қисмларининг ва 277-модда иккинчи қисмининг санкцияларидаги** «уч йилгача» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш ёхуд уч йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **100, 101-моддаларининг, 102, 105-моддалар биринчи қисмларининг, 112-модда учинчи қисмининг, 122-модда иккинчи қисмининг, 235-модда биринчи қисмининг** ва **238-модда иккинчи қисмининг**

**санкциялари** «ёки» деган сўздан кейин «бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **103-модда биринчи қисмининг, 110-модда иккинчи қисмининг, 114-модда учинчи қисмининг, 129-модда иккинчи қисмининг, 188-модда учинчи қисмининг, 247** ва **251-моддалар биринчи қисмлари-нинг санкциялари** «ишлари ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **104-модда биринчи қисмининг, 105-модда иккинчи қисмининг, 113, 117-моддалар учинчи қисмларининг, 128-модда иккинчи қисмининг, 130-модда учинчи қисмининг, 135, 137-моддалар биринчи қисмларининг, 138, 154<sup>1</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг, 162-модда биринчи қисмининг, 163-модда иккинчи қисмининг, 165-модда биринчи қисмининг, 166-модда иккинчи қисмининг, 173, 213, 225-моддалар учинчи қисмларининг, 235-модда иккинчи қисмининг, 238-модда учинчи қисмининг, 250, 251<sup>1</sup>, 253-моддалар иккинчи қисмларининг, 256-модда учинчи қисмининг, 267-модда биринчи қисмининг, 269, 276-моддалар иккинчи қисмларининг** ва **277-модда учинчи қисмининг санкциялари** «уч йилдан» деган сўзлардан олдин «уч йилдан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **106-модданинг, 110-модда биринчи қисмининг, 113, 117-моддалар иккинчи қисмларининг, 127, 128-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин, **136-модданинг санкцияси** «қамоқ билан» деган сўзлардан кейин, **141-модда иккинчи қисмининг, 146-модданинг, 169-модда биринчи қисмининг, 171-модда иккинчи қисмининг, 193-модда-нинг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин, **194, 195, 196-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, **198-модда иккинчи қисмининг, 203, 216<sup>1</sup>-моддаларнинг, 216<sup>2</sup>, 217-моддалар биринчи ва иккинчи қисмларининг, 229<sup>2</sup>-модданинг, 241, 244<sup>1</sup>, 250, 250<sup>1</sup>, 269 ва 276-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) **112-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **113-модда бешинчи қисмининг, 116-модда учинчи қисмининг, 131-модда иккинчи қисмининг, 147-модданинг, 158-модда учинчи қисмининг, 204-модда иккинчи қисмининг, 216, 218-моддаларнинг, 219, 232-моддалар иккинчи қисмларининг, 233, 248, 252 ва 271-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) **121 ва 257<sup>1</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «ишлари ёки» деган сўзлардан кейин «уч йил-дан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

25) **124-модданинг санкцияси** «жарима ёхуд» деган сўзлардан кейин, **159-модда иккинчи қисмининг, 171, 184, 202-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, **206<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг санкцияси** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин ва **223-модда биринчи қисмининг санкцияси** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «уч йилдан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

26) **126-модданинг, 138, 156-моддалар биринчи қисмларининг, 179-модданинг, 180, 181, 181<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>-моддалар биринчи қисмларининг, 197, 199, 200-моддаларнинг, 201-модда биринчи қисмининг, 208-модданинг, 236-модда биринчи қисмининг, 239-модданинг, 253, 257, 258, 259, 260-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин, **261-модданинг санкцияси** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, **268, 270 ва 274-моддалар биринчи қисмларининг санцияла-ри** «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

27) **130 ва 214-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «уч йилгача» деган сўзлардан олдин «бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28) **132-модда иккинчи қисмининг, 177, 185<sup>1</sup>-мод-далар учинчи қисмларининг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, **206<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, **224-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «жарима солиш ёки» деган сўзлардан кейин, **225 ва 234-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) **132-модданинг учинчи қисми, 167, 168, 173-мод-даларнинг тўртинчи қисмлари, 180, 181, 181<sup>1</sup>-модда-ларнинг иккинчи қисмлари, 184, 198, 202-моддалар-нинг тўртинчи қисмлари ва 233-модданинг иккинчи қисми** «озодликдан» деган сўздан олдин «озодлики чеклаш ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) **127, 133-моддалар иккинчи қисмларининг, 145-модда учинчи қисмининг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин, **201, 236-моддалар иккинчи қисмлари-нинг санкциялари** «маҳрум қилиб», «маҳрум этиб» деган сўзлардан кейин, **244<sup>1</sup>, 268, 270-моддалар иккинчи қисмларининг, 273-модда биринчи қисмининг** ва **274-модда иккинчи қисмининг санкциялари** «қамоқ» деган сўздан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

31) **134-модданинг ва 155<sup>1</sup>-модда биринчи қисмининг санкциялари** «уч йилгача ахлоқ тузатиш иш-лари» деган сўзлардан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

32) **205 ва 206-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан икки йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

33) **142-модданинг, 166, 186<sup>1</sup>, 186<sup>3</sup>-моддалар биринчи қисмларининг, 241-модда иккинчи қисмининг, 241<sup>1</sup>, 249-моддаларнинг, 251<sup>1</sup>-модда тўртинчи қисми-нинг, 254, 255, 263-моддалар биринчи қисмларининг** ва **275-модданинг санкциялари** «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

34) **144, 145, 173, 184, 186-моддалар иккинчи қисмларининг, 198-модда учинчи қисмининг, 202, 213, 227, 228<sup>1</sup> ва 256-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилга-ча озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) **159-модда биринчи қисмининг санкцияси**

«жарима ёки» деган сўзлардан кейин, **175-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, **205, 206, 209-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, **210-модда биринчи қисмининг санкцияси** «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, **211, 212-моддалар биринчи қисмларининг** ва **237-модда иккинчи қисми-нинг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

36) **167, 168-моддалар иккинчи қисмларининг** ва **182-модда биринчи қисмининг санкциялари** «икки йил-гача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) **102, 169, 228, 250<sup>1</sup> ва 255<sup>1</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) **175-модданинг учинчи қисми** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

39) **178-модда биринчи қисмининг санкцияси** «уч йил-дан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

40) **184<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

41) **184<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг, 226 ва 276<sup>2</sup>-мод-далар биринчи қисмларининг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

42) **184<sup>1</sup>-модда тўртинчи қисмининг санкцияси** «маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

43) **209-модда биринчи қисмининг санкцияси** «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан икки йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

44) **255<sup>2</sup> ва 257<sup>1</sup>-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

45) **224 ва 228-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари** «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

46) **226-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан тўрт йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

47) **278<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлар-дан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

48) **278<sup>1</sup>-модда:**
**биринчи қисмининг санкцияси** «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

49) **278<sup>1</sup>-модда:**
**биринчи қисмининг санкцияси** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;


**иккинчи қисмининг санкцияси** «икки йилдан уч йилга-ча ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан уч йилгача озодлики чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50) **278<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан уч йилгача озодлики чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-мод-да; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **468-модда** қуйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:
«4<sup>1</sup>) озодлики чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм этилган шахс учун белгиланадиган тақиқлар (чеклашлар)»;
2) **539-модда:**
**номидаги ва матнидаги** «ва ахлоқ тузатиш ишларини» деган сўзлар «ахлоқ тузатиш ишларини ва озодлики чеклашни» деган сўзлар билан алмашти





ЎЗИМНИНГ ВАТАНЖОНИМ

Она юрт кучоғида эркин саболар елар, Янроқлар қўшиғидан ажиб наволар келар, Ватан десам тоғлардан сирли садолар келар, Эй ўзимнинг диёрим, ўзимнинг Ватанжоним, Осовийшта маконим, қутлуғ дориломоним.

Бугун тафаккур эркин, ўғил-қизда хур ниёт, Бизни қайта яратди, улгайтирди хуррият. Келаётир доною кучли бахтиёр авлод, Эй ўзимнинг диёрим, ўзимнинг Ватанжоним, Яратган назар қилган, азиз Ўзбекистоним!

Обод овул қишлоқлар, шаҳарлар ифтихорим, Осуода тун кечалар, саҳарлар беғуборим. Райҳонларнинг бўйдан ёзилгайдир хуморим,

Эй ўзимнинг диёрим, ўзимнинг Ватанжоним, Хушҳаво чаманзорда булбул менинг забоним.

Биров туида кўрмаган имконларга етдик биз, Ким эдижу ким бўлдик, давронларга етдик биз. Минг шукур, минг қуллуқ, шу замонларга етдик биз, Эй ўзимнинг диёрим, ўзимнинг Ватанжоним, Инсонни улуғлаган қадрли улуғ инсоним.

Бугун ҳатто ўзимиз ўзимизга ҳавасда, Ишонч билан садоқат қалбимизда пайваста, Юртбошимиз ёнида барчамиз камарбаста, Эй ўзимнинг диёрим, ўзимнинг Ватанжоним, Бош узра қуёш бўлиб турар Соҳибқироним!

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири.

Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида ўн еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Чемпионлик учун кураш қизгин кечмоқда



Ушбу турнинг марказий беллашуви — Фарғонанинг "Нефтчи" ҳамда Тошкентнинг "Локомотив" жамоалари қарама-қаршилиги 1:2 ҳисоби билан якунланди. Бекободда кечган "Металлург" ва "Навбахор" (Наманган) учрашуви ҳам мурасасиз курашларга бой бўлди.

"Бунёдкор" клуби ўз майдонида Навоийнинг "Қизилқум" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Андижонда бўлиб ўтган "Андижон" — "Машъал" (Муборак) баҳсида 1:0 ҳисобида мезбонлар муваффақият қозонди.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" "Қўқон-1912"дан 4:1 ҳисобида устун келиб, турнир жадалидаги давлатимизнинг мамлакатимиздаги муваффақияти бўлиб ўтди.

Олий лига жамоалари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари 15-17 август кунлари ўтказилди. Унда куйидаги жуфтликлар куч синашди: "Навбахор" — "Нефтчи", "Машъал" — "Металлург", "Қизилқум" — "Динамо", "Андижон" — "Олмалик", "Шўртан" — "Бунёдкор", "Бухоро" — "Пахтакор", "Қўқон-1912" — "Насаф", "Локомотив" — "Сўғдиёна".



Бош соврин ҳамюртларимизда

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида "НВУ Супр" халқаро турнири ўтказилди.

Унда ўғил болалар ўртасида Хумон Султонов дастлаб яқкалиқда бош совринни қўлга киритди. Кейин

эса Шаробиддин Абзалов билан жуфтликлар беллашуви финалида россиялик Тимур Игамбердиев ва қозоғистонлик Павел Петров тандемини 6:4, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қизлар ўртасидаги баҳсида россиялик Камила Раҳимова билан бирга кортга чиққан ҳамюртимиз Камола Умарова ҳам бош соврин соҳибни бўлди.

Ҳазратдин АБИЛОВ тайёрлади.

Ўш дзюдочиларимиз муваффақияти

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2015 йил 9 январдаги 1-3263/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамийш 2/1 даҳасида жойлашган, умумий майдони 210,0 кв.м.дан иборат бўлган нотуражой биноси такоран кўйилмоқда.

филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МҲО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 88-ўй, 8/1-хона. Телефонлари: (0-871) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

Янги ўқув йилига ҳозирлик

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жумладан, уларнинг 970 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 232 таси академик лицей ва касб-хунар коллежларида, 398 таси аҳоли гавжум бозорларида, 276 таси эса йирик савдо мажмуаларида ташкил қилинди.

Шундан ташқари, шунингдек, армаркарлар бошланғич таълим муносабати билан ўтказилаётган кўргазмада юқори сифатли дарслик ва ўқув адабиётлари ҳам намоиш этилапти. Бу ташриф буюрган ота-оналар, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини берилаётир.

Кувонарлиси, мактаб бозорларида сотилаётган маҳсулотлар нархи — ҳамёнбоп. Қолаверса, аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1876 дон барча турдаги тўлов терминали ўрнатилди.

Ушбу йармаркарларда компаниямиз тасарруфидеги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бир миллиондан ортиқ мактаб формалари, спорт кийимлари ҳамда пойабзаллар сотилмоқда.

Шунингдек, армаркарлар бошланғич таълим муносабати билан ўтказилаётган кўргазмада юқори сифатли дарслик ва ўқув адабиётлари ҳам намоиш этилапти. Бу ташриф буюрган ота-оналар, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини берилаётир.

Пойтахтимизнинг Оқибат маҳалласида истикомат қилувчи Ш а х р и б о н у Қ о б и л о в а кўргазмага қизи Сурайё Комилжоновани ҳам олиб келди. Сурайё бу йил биринчи синфга қадам кўяпти.



Шунинг учун маҳсулотларни кўздан кечирмоқда. Уларга, айниқса, каламдонлар, кузги-кишки мавсумга мўлжалланган пойабзаллар манзур бўлибди.

Бу ерда, шунингдек, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими масканлари ўқувчилари учун спорт маҳсулотлари намуналарига ҳам кенг ўрин берилган.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузис ҳавзалари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари спорт залларига мос кўпма кўп маҳсулотлар билан иштирок этаётимиз, — дейди

ди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бўлим бошлиғи Соҳибжон Аҳмадов.

Кўргазмаларда фарзандларимизнинг ҳеч қандай кам бўлмаган камол топишлари учун улкан гамаҳўрлик кўрсатилаётганига яна бир қарра амин бўлдик. Зеро, порлоқ келажимиз айнан бугунги билим ва бахтли авлод қўлидадир.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдосига таклиф этади.

2015 йил 27 август кунин соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент вилояти Бўстонлик тумани СИБ томонидан куйидаги мулклар такоран кўйилмоқда:

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 14 апрелдаги 11-1435/11397-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Қоранқўл қишлоғида жойлашган, ер майдони 0,87 гектар, қурилиш ости майдони 2582,14 кв.м.дан иборат дам олиш маскани.

Бошланғич баҳоси — 10 567 086 608 сўм. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УСҚ-1-431/2012-сонли ижро варақаси ҳамда 2012 йил 4 декабрдаги 12489-сонли ижро ишига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Чимган» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 881,0 кв.м., қурилиш ости майдони 295,5 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

Бошланғич баҳоси — 462 136 590 сўм. Аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси гоилиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк кунин

ида кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «InFinBank» Шайхонтоҳур филиалидаги МҲО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси, юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-ўй, 106-хона. Телефон: (0-365) 221-51-62.

Хизматлар лицензияланган.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро вилояти суд ижрочилари Жондор тумани бўлими томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 26 сентябрдаги 20-1404/10004-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Жондор мега текстиль сервис» МЧЖга тегишли, Жондор тумани, «Навработ» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган тўқув-ийгирув ва ишлаб чиқариш цехи, жами 17 турдаги бино-иншоот арзонлаштирилган нархда такоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 768 700 960 сўм. Ушбу мулкларнинг аукцион савдоси 2015 йил 27 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур мулклар 2015 йил 27 августдаги аукцион савдосида

сотилмаган тақдирда, уларнинг такорорий аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь кунин соат 11.00 да куйидаги манзилда бўлиб ўтади: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-ўй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти худудий бошқармаси биноси.

Кўшимча маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-ўй, 106-хона. Телефон: (0-365) 221-51-62.

Хизматлар лицензияланган.

«Қибрай» клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сикаттоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг ялғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфракизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сикаттоҳда фитобочка, теннис корти ва яна кўпма кўп қулайликлар мавжуд. Янаша хоналари кабел ТВ ва маийш электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

«Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

2015/2016 йил киш-бахор мавсумига қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини жамғариш мақсадида 2015 йил кузги сабзавотлар ҳосилидан давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган куйидагиларни:



пиез, картошка, сабзи, қизил лавағи, қарам. Сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Навоий ш. Навоий к., 27. Телефон: (0-436) 227-76-19, 227-78-68. Факс: (0-436) 227-84-32. E-mail: A.Tangatarov@ngmk.uz

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 402 нусхад босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КўЛЭМЛАР такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ю. Буранов. Мусаҳҳах — С. Исломов.